Ушбу сонда:
2 ЮРТИМИЗГА ЭНГ ЮКСАКДАН ЁРУҒЛИКЛАР СОЧИЛМОҚДА
3 ТЕМИРЙЎЛЧИЛАР ВА ТРАНСПОРТ ҚУРУВЧИЛАРИНИ ШАРАФЛАБ
4 ШАНБА – ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ. ОЛИЙ БАХТ
ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 2 август, шанба № 119 (1544)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Россия Федерацияси Президентининг Ўзбекистон Республикасига амалий ташрифи тўғрисида

2003 йил 6 август куни Россия Федерацияси Президенти В.Путин Ўзбекистонга амалий ташриф буюради.

Ташриф давомида Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги икки томонлама муносабатларнинг ҳозирги аҳволи ва истиқболлари, шунингдек, томонларни қизиқтирган халқаро муаммоларни муҳокама этиш режалаштирилмоқда.

ДЕҲҚОН МАНФААТИ - ЮРТ МАНФААТИ

Қашқадарёда амалга оширилаётган ислоҳотлар ва уларнинг самаралари билан яқиндан танишиш учун вилоятга келган Президент Ислом Каримов 1 август куни Қарши шаҳридаги сержантлар мактабига борди.

Армиямизнинг муҳим бўғини ҳисобланган сержантлар тайёрлаш масаласи мамлакатимиз раҳбарининг доимий эътиборида. Жаҳон тажрибасидан аскарни ҳақиқий жангчи сифатида тайёрлашда сержантларнинг аҳамияти нечоғли катта экани маълум.

Ислом Каримов аскар ва офицерлар билан суҳбат чоғида масаланинг шу томонига алоҳида эътибор берар экан, сержантлар тайёрлаш ишини ҳар жиҳатдан такомиллаштириш зарурлигини таъкидлади.

Мамлакатимиз раҳбари ҳарбийларнинг яшаш ва ўқиш-ўрганиш шароитини яхшилашга доир фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашиб, бу борада тегишли раҳбарларга зарур маслаҳат ва топшириқлар берди.

Ислом Каримов Шаҳрисабз туманида ҳам бўлди.

Болта Фозилов номидаги ширкат хўжалигида оилавий пудрат асосида меҳнат қилаётган Раҳмон Юсупов даласидаги учрашув чоғида деҳқонни рағбатлантириш масаласига катта эътибор қаратилди. Гап шундаки, илгари «юқоридан» белгиланган режа асосида иш юритилар, меҳнатдан манфаатдорлик туйғусига деярли эътибор йўқ эди. Ҳозир пахтани ўзимиз сотяпмиз. Демак, деҳқоннинг ўзи яхши ҳосил олишдан бевосита манфаатдор. Бинобарин, режани унинг ўзи белгилаши, хўжалик билан шартнома тузиб, шу асосда ишлаши керак. Ана шунда ишда унум, ҳосилда барака бўлади. Туман, вилоят ва мамлакат миқёсидаги шартномавий режалар бажарилиши ҳам таъминланади.

Ислом Каримов ташаббус деҳқоннинг ўзидан чиқиши муҳимлигини таъкидлади. «Ўзбекистон» ширкат хўжалигидаги Яҳё ота Эргашев оиласи меҳнат қилаётган пахта даласида учрашув чоғида ҳам шу мавзу атрофида суҳбат давом эттирилди.

Президентимиз фермерликнинг афзалликлари билан, пахта уруғининг турларига меҳнаткашлар қандай муносабатда эканлиги билан қизиқди. Қувонарли жиҳати шундаки, пахтакорлар меҳнатдан қониқиш ҳосил қиляпти. Чунки даромаднинг чўғи ўз қўлида эканлигини англаб етмоқда.

Яҳё ота 14 фарзанди билан шу ерда меҳнат қилиб, кам бўлгани йўқ. Ҳар йили мавсум сўнггида кўзланган маррасини эгаллаётир.

Юртбошимиз масаланинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатига алоҳида эътибор қаратар экан, ер ва меҳнат тақсимотида ҳар бир минтақада ўзига хос шароитдан келиб чиқиш зарурлигини қайд этди. Дейлик, Шаҳрисабз туманида ишга яроқли киши ҳисобига 1,5-2 гектар ер тўғри келади. Бу рақам вилоятнинг бошқа туманларида нисбатан каттароқ. Иш ва ерни шундай тақсимлаш керакки, ишлаган одам меҳнатига яраша фойда олсин. Аҳолининг зичлиги ва экин майдонларининг ҳажмига қараб меҳнат тақсимоти амалга оширилса, кўзланган фойдани олиш мумкин. Деҳқон етиштираётган ҳосилда эса алал-оқибат эл-юрт манфаатлари акс этади. Айни вақтда жойларда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш масаласи доимий эътиборда бўлиши даркор.

Президентимиз Ислом Каримов дала меҳнаткашларининг барча ишларида янги зафарлар тилади.

Шу билан мамлакатимиз раҳбарининг Қашқадарё вилоятига сафари ниҳоясига етди.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА махсус мухбири

Ҳар қандай мамлакат тараққиётида коммуникация, транспорт, хусусан, темир йўл етакчи ўрин тутади. Шу боис давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан республикамизда ушбу тармоқ ривожига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

ТЕМИРЙЎЛЧИЛАР КАСБ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНДИ

Пойтахтимизнинг Темирйўлчилар маданият саройида шу соҳа ходимларининг касб байрами муносабати билан йиғилиш бўлиб ўтди. Ҳар йили истиқлол айёми арафасида нишонланадиган ушбу тантанага соҳа фахрийлари, мутахассислар, жамоатчилик вакиллари ташриф буюрди.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари К.Тўлаганов, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси раиси О.Раматов ва бошқалар темир йўл бошқариш тизимини такомиллаштириш, инвестиция лойиҳаларини жадаллик билан ишлаб чиқаришга жорий этиш орқали мамлакатимиз халқ хўжалигининг, аҳолининг темир йўл транспорти хизматига бўлган эҳтиёжини янада тўлароқ қондириш ва йўлларнинг ҳолатини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Навоий-Учқудуқ-Султон Увайстоғ-Нукус янги темир йўл линиясининг тўла қувват билан ишга туширилгани бунинг исботидир. Иқтисодиётимизнинг қон томири бўлган темир йўл тизимини янада ривожлантиришга хизмат қиладиган ушбу қурилишнинг айнан истиқлол йилларида амалга оширилгани мустақиллик халқимиз учун берган имкониятларнинг яна бир ёрқин намоёнидир.

Бу эса Ўзбекистонда ягона темир йўл тизимини барпо этиш, минтақадаги фойдали қазилма конларини комплекс ўзлаштириш, катта миқдордаги валюта маблағларини ишлаб топиш ва тежаш, одамларнинг узоғини яқин қилиш билан бирга кўплаб янги иш ўринлари очиш, шаҳар ва қишлоқларда йирик саноат корхоналари бунёд этиш, энг муҳими, жойларда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга хизмат қилади.

Ўтган вақт мобайнида йўловчи ташиш ҳажмини ошириш учун Тошкент-Самарқанд йўналишида тезюрар электр поездлари, Андижон-Саратов ва Тошкент-Харьков йўналишида халқаро йўловчи ташиш поездлари қатнови йўлга қўйилди.

Бугунги кунда компанияда янги темир йўлларни қуриш, мавжуд локомотив ва вагонлар паркини замонавийлаштириш, янги электровозлар сотиб олиш, Ченгелди-Самарқанд ва Самарқанд-Хўжадавлат йўналишида темир йўлларни қайта таъмирлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида темир йўл транспорти тизимини янада ривожлантириш мақсадида компания маблағи ҳисобидан улкан иншоот - Тошсоқа посёлкаси яқинида Амударё устидан автомобил ва темир йўл кўприги қурилмоқда. Ғузор-Бойсун-Қумқўрғон янги йўналиши бунёд этилмоқда.

Тадбирда соҳада узоқ йиллардан буён самарали меҳнат қилиб келаётган ходимларга мукофотлар топширилди. Санъат усталари ва ижрочи ёшларнинг концерти намойиш этилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Р.Юнусов иштирок этди.

(ЎзА)

ЖАМҒАРМА МАБЛАҒЛАРИ мактаблар учун сарфланади

Бекобод туманидаги 62-мактабнинг атиги йигирма иккитаси ўз спорт залига эга. Спорт жиҳозлари етишмайди. Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг вилоят бўлими аҳволни чуқур ўргангач, туман мактабларига беш миллион сўмлик спорт жиҳозлари олиб берди.

- Жамғарма ҳисобига тушган илк маблағларни мактаблар учун тўла сарфламоқчимиз,- дейди жамғарманинг вилоят бўлими директори Раҳмат Тиллаев. - Чунки бола спорт билан, аввало, мактабда шуғулланади. Қишлоқ мактабларида зарур шарт-шароит яратилса, ёшлар вақтини кўчада эмас, спорт майдонларида ўтказади. Агар барча мактабларимиз спорт заллари ва зарур спорт жиҳозлари билан таъминланса, талай муаммолар ўз-ўзидан ҳал бўларди.

Жамғарма кўмаги билан тумандаги Далварзин ширкат хўжалиги марказий стадиони ҳам таъмирланиб, фойдаланишга топширилди.

МИЖОЗЛАР дидига мос кийим

«Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси «Голливуд» савдо мажмуида спорт кийимлари кўргазмасини ташкил этди.

Аҳолининг спорт кийимларига бўлган талаб ва эҳтиёжини қондириш мақсадида ташкил этилган мазкур тадбирда 16 корхонанинг 210 хилдан ортиқ маҳсулоти намойиш этилмоқда.

- Кўргазма доирасида 50,5 миллион сўмликдан ортиқ савдо-сотиқ шартномалари имзоланди,- дейди ярмарка таъминотчиси Абдумажид Холҳўжаев. - Тадбир енгил саноат тизимида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга талаб катта эканлигини кўрсатмоқда. Шуни инобатга олиб, шаҳар марказида спорт кийими ва анжомлари билан савдо қилувчи махсус «Савдо уйи» очиш устида иш олиб борилмоқда.

(ЎзА)

Сўнгги тўрт-беш йил оралиғида Урганчда бўлмаган киши юз берган ўзгаришларда лол қолиши аниқ. Аэропортдан марказга олиб борувчи илгариги яйдоқ далалар гулзорларга айлантирилиб, бу ерда Ал-Беруний ва Ал-Хоразмий мемориал ёдгорликлари қад ростлаган. Олимпия захиралари коллежининг бешта мухташам биноси зумрад каби жилваланиб турибди. Улар орасида замонавий стадион ҳам бор. Шаҳарга кираверишдаги бадиий гимнастика мажмуасининг гўзал қасри эса кўзларни қувонтиради.

УРГАНЧ ГУЛЛАР ШАҲРИГА АЙЛАНМОҚДА

Мактаб ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари» спорт ўйинларининг Хоразмда ўтказилиши муносабати билан Урганч янада кўркамлашди. Бир нечта янги спорт иншоотлари бунёд этилди. Марказий ўйингоҳ 20 минг томошабинга мўлжалланиб, қайта таъмирланди. Бунинг учун 3 миллиард сўм ҳажмдаги қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди. Эски, ташландиқ жойларда боғлар, гулзорлар барпо қилинди.

Мустақиллик йилларигача Урганч шаҳрининг 60 фоиз кўчалари сувсизликдан ҳусну-латофатини йўқотган, шаҳарда дарахтлар кескин камайиб кетганди. Шунингдек, урганчликлар ўз томорқаларини тоза ичимлик суви билан суғоришга мажбур эдилар. Албатта, юз километр узоқликдан қувурлар орқали олиб келинаётган ичимлик сувидан бу тарзда фойдаланиш анча қимматга тушади. Кейинги йилларда бу ҳолатга ҳам барҳам берилди. Эндиликда ариқларда оқар сув лиммо-лим оқиб, дов-дарахтларга жон киритмоқда. Ҳар йили бир миллион тўпга яқин мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказилмоқда. Бир сўз билан айтганда, Истиқлол Урганчни гулу гулзорлар, боғ-роғлар шаҳрига айлантириш имконини яратди.

Шўро даврида «Шовот» канали сувининг муҳофаза ҳудудида йирик ишлаб чиқариш корхоналари, ошхона-ю кушхоналар қалаштириб қуриб ташланган эди. Ҳозирда бу ҳолатга ҳам чек қўйилди. Каналнинг иккала қирғоғида жойлашган ишлаб чиқариш корхоналари бошқа жойларга кўчирилди, эски бинолар бузиб ташланди. Улар ўрнида бирин-кетин «Авесто», Аз-Замахшарий ва Жалолиддин Мангуберди номли боғлар барпо қилинди. 50 гектардан зиёд жойни эгаллаган бу боғу гулзорлар маскани бугун шаҳарликларнинг энг севимли жойларига айланган. Шунингдек, ўтган йили вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан Амир Темур номидаги маданият ва истироҳат боғи кенгайтирилиб, замон андозалари талаби даражасида қайта таъмирдан чиқарилди. Ҳозирда кўҳна шаҳарнинг юз гектаридан зиёдини боғлар ташкил қилмоқда.

Шаҳар ҳокимлиги томонидан 2003-2004 йилларда Урганч шаҳрини ободонлаштириш, гуллар шаҳрига айлантириш юзасидан махсус дастур ишлаб чиқилган. Унга биноан барча кўчаларда, ташкилот ва идоралар, хонадонлар олдиларида гулзорлар барпо қилинмоқда. Шаҳарда гул ёки дарахт экилмаган бир қарич ҳам ер қолмаслигига ҳаракат қилинаётир. Шу муносабат билан яқинда шаҳар ҳокимлиги нашри бўлган «Урганч оқшоми» рўзномасининг биринчи саҳифасида бир гуруҳ фахрийларнинг «Шаҳримизни гулларга буркайлик» деб номланган очиқ хати эълон қилинди. Айни кунларда шаҳарда бу ҳайрли тадбир оммавий ҳаракат тусини олмоқда.

Э.ЭРМАТОВ,
«Ишонч» мухбири

ОАВни ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЛОЙИҲАСИ

Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро жамоатчилик марказида «Марказий Осиёда ОАВ ни қўллаб-қувватлаш лойиҳаси»нинг тўртинчи босқичи тақдимоти бўлиб ўтди. Мазкур лойиҳа минтақада 2000 йилдан буён Швейцариянинг «Cimera» ташкилоти томонидан амалга оширилмоқда ҳамда Швейцария Ривожланиш ва ҳамкорлик агентлиги /SDC/ томонидан молиялаштирилмоқда.

Лойиҳанинг мақсади Марказий Осиё мамлакатларида ОАВ нинг мавқеини мустаҳкамлашга ҳар томонлама кўмаклашишдан иборат ҳамда уч давлат: Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистонни қамраб олади. Унинг янги босқичида қўйилган вазифалар бирмунча ўзгарди: агар аввал минтақавий мулоқотни ривожлантиришга урғу берилган бўлса, эндиликда кишиларни ахборот билан таъминлашни кенгайтириш ва журналистларнинг касб малакасини оширишга кўпроқ эътибор қаратилади. Бундай ёндашув аҳолини фуқаролик жамиятини шакллантириш, уни бошқаришни мукаммаллаштириш ва ошкораликни кучайтириш жараёнларига кенг жалб қилишга имкон бериши керак.

Лойиҳанинг Ўзбекистондаги институционал ҳамкори Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро жамоатчилик маркази бўлиб, ушбу марказ Бухоро, Навоий, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги оммавий ахборот воситалари ходимлари ўртасида сўров ўтказишда фаол иштирок этди. Лойиҳа доирасида ОАВ фаолиятининг турли йўналишлари бўйича мониторинги ўтказилади. Тадқиқотлар натижалари бўйича рисола шаклида ҳисобот нашр этиш ҳамда уларни журналистлар, ҳукумат идоралари, жамоатчилик ва халқаро ташкилотлар ўртасида тарқатиш кўзда тутилган. Шунингдек ОАВ ходимлари ва вазирликлар, республика идоралари вакиллари иштирокида «давра суҳбати» ташкил этиш ҳам режалаштирилган.

(ЎзА)

БОЛАЛАРНИ ЁЗГИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ

дастлабки натижалар нимани кўрсатди?

Август ёзнинг сўнгги ойи. Сўлим масканларда азиз фарзандларимизни дам олдириш ва соғломлаштиришни ташкил этиш ишлари уюшқоқлик билан амалга оширилмоқда. Таъкидланишича, жорий йилнинг 25 июлига қадар республиканинг барча турдаги оромгоҳларида 186,237 нафар ўғил-қиз соғломлаштирилди. Бу умумий режанинг 77,6 фоизини ташкил этади. Эътиборлиси шуки, ана шу муддат ичида Қорақалпоғистон Республикасидан 1578, Хоразм вилоятидан эса 1020 нафар бола Тошкент шаҳар ва Тошкент вилоятининг энг хушманзара, бахаво масканларида кўнгилли дам олдирилди. Масъулиятли мавсумни кўнгилдагидек ташкил этиш мақсадида республика ва жойлардаги комиссиялар аниқ дастур асосида ҳаракат қилмоқда.

Таҳлил шуни кўрсатдики, кўпгина жойларда Вазирлар Маҳкамасининг Ижтимоий мажмуи ҳамда болаларни ёзги соғломлаштириш ва дам олдириш республика доимий комиссияси кенгайтирилган мажлисининг қарорини бажара бориб, яхши тайёргарлик кўрилган. Жумладан, Китоб туманидаги «Ёш алангачи», Қувасой шаҳридаги «Ниҳол», Андижон вилоятидаги «Шифокор», «Олтин бошоқ», «Уч соҳил», Тошкент шаҳридаги «Камалак», «Чотқол», «Автомобилчи», «Алгоритм» каби оромгоҳлар яхши жиҳозланган. Уларда спорт, маданий-маърифий тадбирлар кўнгилдагидек ташкил этилган. Ҳатто айримларида компьютер хоналари борлиги ўғил-қизларни ғоятда қувонтирди.

Мавсум ютуқлари ҳақида яна гапириш мумкин. Бироқ, масъулиятли даврнинг қолган муддатини уюшқоқлик, ҳар томонлама намунали ўтказишга эришиш учун баъзи бир камчиликлар, ечимини кутаётган муаммоларга эътиборни қаратиш айни муддао.

Равшанки, мақсадга эришиш учун болалар оромгоҳларини мавсумга тайёрлаш, таъмирлаш, жиҳозлаш ишларига барвақт киришиш лозим. Баъзи мутасаддилар у буни баҳона қилиб, қимматли вақтни бой бердилар. Шу боис Жиззах вилоятидаги «Пахтакор», Ш.Рашидов номли, Сирдарёдаги «Гулистон», «Юбилей», Тошкент вилоятидаги «Ғунча», Наманганги «Электрон» оромгоҳларида қатор камчиликларга йўл қўйилди. Болаларнинг кўнгилли дам

Таҳлил

олишлари учун тегишли шароит яратилмади. Қорақалпоғистон Республикасидаги «Роҳат», Андижон вилоятининг «Сўлим» оромгоҳларининг моддий-техника базаси талаб даражасида эмас, ётоқхоналарнинг айримлари яхши таъмирланмаган. «Сўлим»даги сузиш ҳавзасида таъмирлаш ишлари давом эттирилаётганлиги ажабланарли ҳол.

Серқуёш диёримизда айни пишиқчилик. Сабзавот, мева-чева сероб. Шундай бўлса-да, Бухоро вилоятидаги «Ёш пахтакор», «Ёш алоқачи», Тошкент шаҳрининг «Ёш куч», «Нурафшон» каби оромгоҳларида озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа неъматлар меъёр бўйича берилмади. Сурхондарёдаги Майна Ҳасанова номли оромгоҳда июн ойи мобайнида болаларга сут ва сут маҳсулотлар, тухум умуман берилмаганлигини қандай изоҳлаш мумкин. Боз устига, Жиззах вилоятидаги «Алоқачи» ва бошқа қатор оромгоҳларнинг омборхонаси талабга жавоб бермайди.

Бир қатор оромгоҳларда соғломлаштириш ва санитария-маърифий ишлар талаб даражасида бўлмади. Улар тиббий асбоб-ускуналар, дори-дармонлар билан етарлича таъминланмади.

Мавсум олдидан ўтказилган йиғилишларда баъзи оромгоҳларнинг мутасаддилари ўтган йилги сабоқлардан тўғри хулоса чиқариб, мавсум мобайнида тарбиявий ишларни яхши йўлга қўйиш хусусида алоҳида бош қотираяпмиз, дея таъкидлашганди. Афсуски, қаердадир эски касал давом этмоқда, тадбирлар бажарилмай, қоғозда қолмоқда. Сурхондарё вилоятидаги «Мироб» болалар оромгоҳида кутубхона бу йил ҳам ташкил этилмади. «Вахшивор» масканида ҳам ҳанузгача «Маънавият ва маърифат» хонаси, кутубхона йўқ. Тошкент вилоятининг «Келажак» оромгоҳида китоблар мавжуд бўлса-да, негадир кутубхона ишламади. Фарғонадаги «Хумо» оромгоҳи кутубхонасига сўнгги йиллар ичида чоп этилган бironта болалар адабиёти келтирилмаган. Бундан ташқари, фаолияти ўрганилган масканларда кўрик-танловлар, суҳбат ва учрашувлар, тўгараклар ишини ташкил этишга етарлича эътибор берилмаганлиги маълум бўлди.

Оромгоҳлардан ёз мавсуми давомида иложи борича унумли фойдаланиш, болажонларни имкон қадар сўлим масканларга жалб этиш вазифаси қўйилган бўлишига қарамай, Тошкент шаҳрининг «Ёш куч», «Нурафшон», Хоразмдаги «Алпомиш», «Шифокор» оромгоҳларида бунга амал қилинмади. Шу ўринда баъзи касаба уюшмалари вилоят кенгашлари, тармоқ қўмиталари оромгоҳларни молиялаштириш билан шуғулланишда сусткашликка йўл қўйганликларини таъкидлаш жоиз.

Юқорида қайд этилган камчиликларни бартараф этиш ва бундан буён уларнинг такрорланмаслигига эришиш мақсадида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раёсатининг ижроия қўмитаси қарори билан аниқ тадбирлар ишлаб чиқилди.

М.ИЛЁСОВ

Йиллар ва одамлар

ЮРТИМИЗГА ЭНГ ЮКСАКДАН ЁРУҒЛИКЛАР СОЧИЛМОҚДА

Инсон умри нималар билан ўлчанади: шону шуҳрат, мартаба, ёки фарзандлар камоли, шогирдлар эҳтироми биланми?! Тиббиёт фанлари доктори, профессор, хизмат кўрсатган шифокор Наимахоним Махмудованинг ҳаёт йўлига назар ташлар экансиз, инсон умри узунлиги билан эмас, балки нурли изи, яхши амаллари, эзгу ишлари билан эътироф этилишига ишонч ҳосил қиласиз. Яна унинг оғир синовлар ичида ўтган ёшлиги тарихнинг очилмаган саҳифаси сифатида Ҳурлик, Озодликдан сабоқ беради. Мустақилликнинг нақадар буюк неъмат эканлиги, бу йўлда ноҳақ тўкилган қонлар, бевақт йўқотилган жонлар, очилмай хазон бўлган умрлар ҳақида ҳикоя қилади. Унинг хотираларини шунчаки эшитиб бўлмайди.

Наимахоним оташин ўзбек шоири, қатағон қурбони Боту (Маҳмуд Ҳодиев)нинг қизи. «Халқ душмани» тамғаси билан унинг падари бузруквори 1930 йилда ўлимга ҳукм этилганида, у эндигина атак-чечак қилаётган икки ёшли қизалоқ эди. Қатағон даврининг жабр-зулмлари болалигининг бахтиёр онларини ютиб кетди. Ҳали тили чиқиб улгурмасданоқ, бўйнига «халқ душмани»нинг қизи деган тавқи лаънат осилди. Аввал отасидан жудо бўлган қизни, она меҳрига ҳам зор қилишди. Отасининг яқинлари, ҳамфикр дўстлари қатори онаси Валентина Васильева ҳам қамоққа олинди.

- Отам қамалганини эслай олмайман, - дейди Наимахоним. - Аммо унинг мактублари хотирамга нурдек муҳрланиб қолган. Раҳматли отам ҳар хатида мен ва акам Эрклига «халқ учун, Ватан учун хизмат қилинглар, яхши ўқинглар» деб қайта-қайта уқтирардилар. Тўхта бувимнинг айтишларича, 1936 йилда отамни қўриш учун борганларида у киши қамоҳонада иккита гул ўстираётганлари, уларнинг бўйини ҳар куни ўлчаб, севиб парваришлаётганлигини айтиб, бу гулларнинг бири қизим Наимахон бўлса, иккинчиси ўғлим Эрклидир, деган эканлар. Қарангки, гулларнинг ўсганига қараб отажоним биз фарзандларини улуғлаганлигини ҳис қилиб яшарканлар. «Фарзандларим ҳамиша ёнимда, улар менинг қалбимда, юрагимда» деб такрорлашдан чарчамас эканлар. Биз ҳам отамизни қалбимиз тўрида асраб-авайладик, ул зотга муносиб фарзанд бўлишга ҳамиша ҳаракат қилдик.

Опанинг кўзларида ёш қалқийди. Бошини тебратганча армон билан сўзлайди.

- Ўз юртимизда ўзимизни хўрлашарди, оддий инсоний ҳуқуқларимизни ҳам паймол этишарди. Уруш бошланган йили онамни қамоққа олишди, сал фурсат ўтмай амакимни, акамни ҳам ҳибсга олиб кетишди. Оиламиз билан барчамизни сургун қилишлари буюрилган экан. Навбат менга етганда, 13 ёшли қизалоқ эдим. Бу хабарни эшитиб, бир кечада бобомнинг қадди эгилди, тоғдек ўғиллари, навқирон невараси, гулдек келини қамалганида ҳам у йиғламаган эди. Аммо менинг Сибирга сургун қилинишимга чидаб туролмади. «Шундай гўдаккинанинг умри увол бўлсинми» дея НКВД ходимларига йиғлаб мурожаат қилди. Ўшанда бобомнинг кўзларидан оққан ёш менинг юрагимдан томганди. Мана орадан 62 йил ўтган бўлса-да, бу фожеани ҳамон унутолмайман. У хотирамга машъум йиллар рамзи сифатида муҳрланиб қолган. Ҳартугул НКВД ходими ўзбек, унинг устига яхши одам экан. Бобомнинг зорланишларига раҳми келди. «Қоғозда кўчирдик, деб ёзиб қўяман, кетаверинглар», деб бизга рухсат берди. Яхши одамлар борлигига шукр қилиб, уйга қайтдик. Аммо эшик тиқ этса-да, ҳадиксираб яшадик.

Наимахоним «халқ душмани»нинг қизи деган қамситишларга қарамай, ўқиб-ўрганишдан, изланишдан чекинмади. Мактабни аълога тугатди, институтда ҳам одоби, билими билан барчага ибрат бўлди. Лекин тиббиёт олийгоҳини имтиёзли тугатса-да, «халқ душмани»нинг қизи аспирантурада ўқийдими, деган ҳадик билан бунга йўл қўйишмади. Аммо у ҳаётидан нолимади, ноҳақ камситишларга парво ҳам қилмади. Фақат маҳоратини ошириш сари олдинга интилди. Ўша даврда тиббиётда унинг билими зарур эди. Шу боис Хоразмнинг Хива туманига жўнатишди. Бу пайтда онаси қамоқдан озод бўлиб қайтган, уни ўз уйида рўйхатдан ўтказишмаётган эди. Наимахоним волидасини ўзи билан олиб кетди. Полсиз, автодаҳол уйда яшасалар-да, улар биргаликлари, энг муҳими, ҳеч ким таъқиб этмаётганидан хурсанд эдилар. Яхшилик ерда қолмайди. У инсонлар қалбидан меҳр-оқибат бўлиб эгасига қайтади. Наимахоним ҳам меҳнати билан обрў-эътибор топди. Ақли расо доно қизнинг ҳусни, зийраклиги энди совчилар оромини ўғирлаган эди. Минг афсуски, уни «халқ душмани»нинг қизи эканлигини эшитганлар орқасига қарамай кетишарди. Ҳеч замонда бебаҳо гавҳар эгасиз қолмаган. Болалар уйида тарбияланган, Наимахонимнинг ҳамкасби бўлган Умар Қурбонов ҳеч иккиланмасдан тақдирини у билан боғлади. Наимахоним таомилга кўра Умар ака яшаётган Ургут туманига ишга ўтди.

Умар ака ҳаётда ҳам, шифокорлик касбида ҳам ҳамиша у билан ҳамфикр, ҳамкорликда яшади. Улар бир-бирини қўллаб-қувватлашишарди. Эзгу ишларда ҳам бири иккинчисини тўлдириб борди. Хизмат кўрсатган шифокор, тиббиёт фанлари номзоди Умар Қурбонов республика ногирон болалар шифохонасини ташкил этди ва уни юксалтириш учун умрининг охиригача самарали меҳнат қилди. 14 ёшгача бўлган ногирон болалар даволанаётган бу шифохона айни кунда унинг номи билан аталмоқда.

Уларнинг серфайз оиласида кетма-кет икки фарзанд билан омад ҳам аста-секин бўй кўрсата бошлади. Наимахоним туман санэпидстанциясининг оддий врачлигидан бош шифокорликкача кўтарилди. Кейин шу соҳада вилоят бўлимини бошқарди. Унинг ишлари нуфузли давраларда тилга олинадиган бўлди. Бу орада отаси оқланди. Неча йилларки, юрагини тилкалаб келаётган бедаво дардга малҳам топди. Аммо у аввалгидек камсуқум, камтарлигича қолди. Мансаб, обрў талашмади. Фанда янгиликлар яратиб, беморлар дардига малҳам бўлишни умрининг мезони деб билди. Аҳолига янада яхшироқ тиббий хизмат кўрсатиш учун елиб-югурди. Унга эса ҳурмат ва ишонч билан янада юқори лавозимларни тавсия этишарди. Қарийб 5 йиллик фаолияти давомида Наимахоним оддий ходимдан фан доктори, профессор, ҳатто республика соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон касаба уюшмалари етакчиси даражасигача кўтарилди. Илдизи заминга чуқур сингган чинордек иродали одамларгагина ана шундай ҳаёт бўронларига қарши курашиб ғалабага эришишдек буюк саодат йўли насиб этади.

Қайси лавозимда ишламасин, эл саломатлигини сақлаш унинг биринчи даражали иши бўлди. Тиббиёт соҳасида камолга эришиш учун Шарқ табобати дурдоналарини излаб топди. Унинг амалий ва назарий томонларини чуқур ўрганди. Изланишлари натижаси ўлароқ ўнлаб монографиялар, илмий мақолалар муаллифи бўлди. Шифокорлик ва олималик, ташкилотчилик ва раҳбарлик, оналик ва бекалик Наимахоним умрининг зийнатига айланди. Икки фарзанди - Дилбар ва Ўктамжон унинг эзгу ишлари давомчилари бўлишди.

Айниқса, Наимахонимнинг ташкилотчилик фаолияти республика соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари бўлган кезларида яққол кўзга ташланди. Бағрикенглик, саховат ва садоқат унинг фазилати эди. Шу сабаб унинг қўли остида ишлаган, меҳнатдан қочмайдиган, изланувчан, билимдон ёшлар опанинг раҳнамолиги ва меҳридан баҳраманд бўлиб камолга етишди.

- Шогирдларим ҳаётимнинг нурли изларидир, - дейди у.

Ўзбекистон касаба уюшмаларига раҳбарлик қилган йиллари айниқса ҳаётида ёрқин из қолдирди. Даврнинг шиддатли тўлқинлари уни эл манфаати йўлидаги эзгу ишларидан чалғитолмади. У меҳнаткаш, содда, самимий, шу билан бирга мард ва ориятли, халқининг ижтимоий ҳимояси, саломатлиги, оиласи ва фарзандлари ҳақида меҳрибонлик қилиш учун ишлаб чарчамасди. Натижада тизимда у раҳбарлик қилган йиллар эзгу ишлар амалга оширилди. «Чортоқ», «Чимён», «Ботаника» каби санаторийлар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бухоронинг хушҳаво ҳудудида жойлашган «Моҳи Хосса» тарихий мажмуасидаги санаторий қайта таъмирланди. Республикамизнинг баҳаво, гўзал табиатли сўлим гўшаларида дам олиш уйлари, профилакторийлар очилди. Муҳташам «Чорсу» ва «Саёҳат» меҳмонхоналари ҳам ўша даврда касаба уюшмаларининг маблағларидан барпо этилди. Нуроний ёшда ҳам Наимахоним тетик, юз-кўзларидан ғайрат-шижоат уфуриб турибди. Бутун куч-қувватини, билимини юракдаги меҳрига қўшиб Тошкент давлат педиатрия институтида сабоқ олаётган шогирдларига улашаётир. Унинг юзларида нур бор. Бу эзгу ишлари, савобли амаллари шарофатидандир. - Ҳаётда орттирган энг катта бойлигим, - дея давом этади Наимахоним - одамлар ишончи, илм-маърифат, фарзандларим, невараларим, шогирдларим меҳри. Бахтим эса озодлик, юрт мустақиллиги. Фақат ана шу озодлик туфайли минглаб ватанпарварлар қатори отамнинг руҳи шод бўлди. Остона ҳатлаб ишга отланар эканман, гўё отам «қандай эзгу ишлар қилмоқчисан» деб кузатиб турганга ўхшайдилар. Кун бўйи ана шу сўров мени эзгу ишларга бошлайди.

Ҳассос шоир Боту орзу қилгандек, бугун «Юртимизга энг юксакдан ёруғликлар сочилмоқда», мустақил Ватанимиз йўлларидан нур оқмоқда. Халқ қудратли тўлқинга айланиб, нурафшон манзил сари интилмоқда. Бу улуғ сафда муборак 75 ёшини қаршилаётган Наимахонимдек оқила онахонларимиз ҳам бор.

Амина ҚОДИРОВА

Республикамиз иқтисодининг ривожланишига муносиб ҳисса қўшиб келаётган тадбиркорлар сони кундан-кунга ошиб бораётгани кишини қувонтиради.

РАҚОБАТ

унумли, сифатли ишлашга чорлади

Бу борадаги кўзга кўринарли натижаларни «Офис Маркет» мисолида яққол кўриш мумкин. Фаолиятини бошлаганига эндигина 5 йил бўлган «Офис Маркет» айни кунда йирик ишлаб чиқариш кучига эга.

— Эндиликда асосий ривожланиш сари қадам қўйдик, десам хато бўлмайди. Эришаётган ютуқларимизнинг барчаси мустақиллигимиз шарофатидандир.- Фикримнинг исботи сифатида шуни айтиш жоизки, кейинги йилларда офисимиз янги технология жиҳозларига эга бўлди. Малайзиядан бир нечта компьютер ва ишлаб чиқариш асбоблари олиб келинди. Технологияларнинг янгиланиши арзон, харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини янада кенгайтирди. Буларнинг барчаси муваффақиятларимизнинг бош омилидир, - дейди директор Ҳасан Мамасаидов.

Ҳақиқатдан ҳам мустақиллик тадбиркорликни ривожлантириш, харидорбоп маҳсулотлар билан бозорларимизни тўлдиришга кенг йўл очиб берди. Бу борадаги ишлар «Офис Маркетда» самарали амалга ошириб келинмоқда. Айни кунларда республикамизнинг бир нечта вилоятларида унинг филиаллари фаолият кўрсатмоқда. Ака-ука ишбилармонлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш баробарида филиалларни ҳам ҳар

томонлама қўллаб-қувватлаб, ёрдамини аямаётганликлари боис, улар ҳам ўз харидорларига эга бўлишмоқда.

— Ёрдамингиз эвазига рақобатчи пайдо бўлишидан чўчимайсизми? — деган саволимизга Ҳ.Мамасаидов шундай жавоб берди.

Қилинаётган ишларнинг барчаси ўзаро ҳамкорлик асосида олиб борилаётгани ютуқлар гарови бўлмоқда. Ишбилармонлар билан тажриба алмашиш учун яратилган имконият ва шароитлар ишимизнинг янада ривожланишида қўл келмоқда. Энди саволингизга келсак, рақобат фаолиятнинг ривожланиши учун замин яратади, инсонни ҳаракатчанликка ундайди. Ҳам ўрганиб, ҳам ўргатиб маҳоратни ошириш мумкин. Шу боис, биз рақобатчиларга яхши муносабатда бўламиз. Керак пайтда ёрдамимизни ҳам аямаймиз.

Дарҳақиқат, қаердаки иш яхши ташкил этилса, самара ҳам шунга яраша бўлади. «Офис Маркет» ходимлари ишлаб чиқариш жараёнида бунга алоҳида эътибор билан қарашади. Ўз вазифаларига масъулият билан ёндошадилар. Шу боис бу ерда ишлар ҳар доим кўнгилдагидек олиб борилади. Ишчиларнинг хизмат қилишлари, дам олишлари учун барча шарт-шароит яратилган. Масалан, компанияда ходимларга кредит бериш йўлга қўйилган. Ходим катта суммадаги бирон нарса харид қилмоқчи бўлса, унга компания ҳисобидан келишув асосида маълум муддатга қарз берилади. Бундан ташқари ҳар йили 25 минг сўмдан меҳнат таътилига қўшимча ҳақ тўланади. Мукофот пуллари ажратиш, рағбатлантириш, байрам ва бошқа тадбирларни ходимлар орасида ўтказиш ҳам анъанага айланган. Қадимий, зиёратгоҳ шаҳарларга саёҳатлар уюштирилиб турилади.

«Офис Маркет» нафақат ўз ходимларига, балки республикамизнинг кўпгина ташкилотлари, меҳрибонлик ва болалар уйларига деярли узлуксиз равишда ҳомийлик қилиб келмоқда. Буларнинг барчаси ўзбекнинг ўз тадбиркори эришаётган ютуқларини халқи, саховатга меҳрга ташна қалблар билан баҳам кўраётганидан далолат беради.

Р.САЙДАҲМЕДОВА,
«Ишонч» мухбири

Истиқлол берган имкон

МАҲСУЛОТГА РОССИЯДАН БУЮРТМА ОЛИНДИ

Республикамизда ҳар йили ўтказиладиган «Ташаббус» кўрик-танловининг бу йилги тақдирлаш маросимида «ПГС» фирмаси ғолиб, деб эълон қилинди. Унинг раҳбари Полянте Свешников Президент совғаси, «Матиз» автомашинаси калитини қўлга киритди. Юртимиздаги минглаб хусусий корхоналар орасида бундай муваффақиятга эришиш осон кечмагани аниқ. Чунки бу ғалабалар замирида қанча-қанча машаққатли меҳнатлар ётибди.

— Аввало, ҳар доим ҳам ишимиз силлиқ кетябди, деб айта олмайман. Қийинчиликлардан бири бутловчи қисмларнинг биз истаган даражада танлаб олиш учун етарли эмаслигидир. Шу боис, кўпроқ ўзимиз тажриба ва изланишлар олиб боришга мажбурмиз,-дейди корхона раҳбари.

— Яна бир муаммо. Ишлаб чиқариш жараёнида, яъни йиғув цехида назорат системасининг йўқлиги қимматли вақтимиз беҳудага кетишига сабаб бўлмоқда. Шундай бўлсада, сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариб, халқимизга хизмат қилишга ҳаракат қиляпмиз.

Халқ хўжалиги учун мини ишлаб чиқариш технологияларини етказиб беришга ихтисослашган фирмага 1993 йилда асос солинган. Бу ерда дастлаб кичик новвойхона, мева ва сабзавотларни қуритувчи ускуна, инкубаторлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган эди. Бугунги кунга келиб маҳсулот турлари 11-хилга етказилди. Шу ўринда бу ерда тайёрланган электр ускуналарнинг афзаллик томонларига бир оз тўхталиб ўтсак. Маҳсулотнинг алоҳида ажралиб турадиган жиҳати шундан иборатки, қиздириш қисмлари керамикадан тайёрланади. Чунки у ўта зичлик хусусиятига эга. Ушбу ускуналарда қуритилган меваларда витаминлар 93-95 фоизгача сақланиб қолади.

Корхонада ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг сотилишидан тушган умумий маблағ йилдан-йилга ошиб бормоқда. Мисол учун, 1998 йилда 27 миллион сўмлик товарлар сотилган бўлса, 2002 йил ҳолатига кўра бу кўрсаткич 306 миллион сўмни ташкил этди.

Бугунги кунда бу ерда юқори ёруғликка эга диодли светофорлар ишлаб чиқариш устида иш олиб борилмоқда. Ҳозирча мини светофор намунаси ишлаб чиқарилиб, ДАН ходимларига ўрганиш учун топширилди. Таклиф этилган светофорлар Россия, Германия, Хитойда чиқарилаётган шу турдаги маҳсулотлардан икки баробар арзон.

Агар ушбу лойиҳа амалга ошса, 3,5-4 миллион АҚШ долларлик маблағ тежаб қолинади.

Жорий йил режасига биноан йилнинг иккинчи ярмида корхона экспортга маҳсулот сотишни режалаштирган. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган электр кабоб пишириш ускунаси, кичик новвойхона, электросандал маҳсулотлари юқори сифатлилиги билан хориж истеъмолчиларини ўзига жалб этди.

Корхона меҳнат жамоаси 30 нафар кишини ташкил этади. Бу ерда олий ва ўрта махсус маълумотга эга бўлган 18-25 ёшдаги йигит-қизлар меҳнат қилишади. Ишчилар махсус кийим-бош билан тўла таъминланган.

А.ЮНУСОВ,
«Ишонч» мухбири

Касаба уюшма тадбири

Шу кунларда мустақиллигимизнинг 12 йиллиги байрами арафасида фойдаланишга топширилиши мўлжалланган Тошкент шаҳридаги «Кичик ҳалқа йўли»да қурилиш ишлари жадал суръатларда олиб борилмоқда. Кўпчилик ҳамшаҳарларимизга қулайлик яратадиган бу йўл Саламатин кўчасидан бошланиб, Генерал Узоқов кўчасида туташади. Уни бунёд этишда «Автомагистрал», «Тошавтойўл» бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар ҳамкорликда ишлашмоқда. Айни пайтда бу ерда минг нафарга яқин қурувчи меҳнат қилаяпти.

ЙЎЛСОЗЛАР ТУҲФАСИ



Йўлсозларнинг унумли меҳнат қилишлари учун барча шароитлар яратилган. Уларга тушлик, бепул иссиқ овқат ташкил этилган. Ҳар куни иш жойларига махсус транспортларда келиб-кетишлари таъминланган.

Уларнинг янада унумли меҳнат қилишлари ва бўш вақтларини самарали ўтказишлари учун Ўзбекистон автомобил транспорти ва йўл хўжалиги ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси Тошкент вилоят тармоқ ташкилоти билан биргаликда яна бир хайрли ишга қўл урдилар.

- Йўлсозларимизга руҳан мадад бўлиш ҳамда уларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш касаба уюшмаларининг азалий одати. Шу боисдан ҳам биз бугун йўлсозларнинг тушлик вақтида яхшилаб дастурхон тузатдик. Академик бадиий жамоалар дирекциясининг Ўзбекистон ашула ва рақс гуруҳи санъаткорлари уларнинг хизматида бўлишди. Ишонамизки, мазкур тадбир йўлсозларнинг меҳнат самарадорлигини оширишга хизмат қилади, - дейди тармоқ касаба уюшмалари Марказий қўмита раиси Алишер Мадалимов.



Дарҳақиқат, шу куни тушлик вақтида йўлсозлар дастурхон атрофида мириқиб ҳордиқ чиқаришди. Азамат Шарипов, Муяссар Қосимова, Акром Шариповлар ижро этга куй-қўшиқ ва ичак ўзди ҳангомалар қурувчиларда катта таассурот қолдирди.

Тадбирда меҳнатда ўрнак кўрсатган бир гуруҳ ишлаб чиқариш илғорларига Марказий қўмитанинг «Фахрий ёрлиқ»лари ва қимматбаҳо совғалари топширилди.

Н.РАФИҚОВ,
«Ишонч» мухбири

ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИРЙЎЛЧИЛАР ВА ТРАНСПОРТ ҚУРУВЧИЛАРИ КАСАБА УЮШМА МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ

ТАРМОҚ МЕҲНАТКАШЛАРИНИ КАСБ БАЙРАМИ БИЛАН САМИМИЙ МУБОРАКБОД ЭТАДИ

Азиз Ватанимиз – ҳур Ўзбекистонни гуллаб яшнатиш йўлидаги ишларингиз ҳамиша бароридан келсин!







«ОЛОЙ УНИВЕРСАЛ БОЗОРИ» ОАЖ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Жамият акциядорларининг 2003 йил 1 ярим йиллик фаолияти бўйича навбатдан ташқари умумий мажлиси 2003 йил 16 август куни соат 11-00 да жамият маъмурият биносида чақирилмоқда

Акциядорларни рўйхатга олиш соат 10-00 да бошланади

1. Жамиятнинг биринчи ярим йиллик фаолияти бўйича жамият бошқаруви раисининг ҳисоботини кўриб чиқиш;
2. Жамиятнинг Янги таҳрирдаги ижроия органи ҳақидаги низомини тасдиқлаш;
3. Жамиятнинг Янги таҳрирдаги Кузатув Кенгаши ҳақидаги низомини тасдиқлаш;
4. Жамиятнинг Янги таҳрирдаги Умумий мажлис ҳақидаги низомини тасдиқлаш ҳақида;
5. Жамиятнинг Кузатув Кенгаши таркибига ўзгартириш киритиш ҳақида;
6. Жамиятнинг Тафтиш комиссияси таркибига ўзгартириш киритиш тўғрисида;
7. Жамият тасарруфидаги «Чеҳра-Ширин» хусусий фирмаси томонидан ижарага олинган бинони, ушбу фирма томонидан сотиб олиниши тўғрисида.

Жамият Кузатув Кенгаши

Қадрият

ЎРИМ-ЙИҒИМ МАРОСИМЛАРИ

Қирмизи дон ўрим-йиғими ниҳоясига етди. Об-ҳаво қийинчиликларига қарамай ҳосил баракали бўлди. Бугун, агар таъбир жоиз бўлса, далада байрам.

Ўрим-йиғими билан боғлиқ анъаналар, урф-одатлар яна юзага чиқмоқда. Бундай маросимлар йил фаслларига мослаб азалдан ўтказиб келинади. Масалан, баҳорда «Далага қўш чиқариш», «Шоҳмой», «Экин сайли», ёз ва куз орасида «Ҳосил байрами», «Она буғдой», «Қўш ҳайда» ва бошқа маросимлар шулар жумласидандир.

Қадим-қадимдан маълумки, ҳосилни йиғиб олишда ғаллакорлар томонидан «Она буғдой», «Хирмон тўйи», «Ҳосил байрами» каби тантаналар ўтказилган. «Она буғдой» маросимида охирги тутам буғдой «Она буғдой» деб аталиб, ушбу тутамни хонадонларга элтиб, уйнинг тўрига осиб қўйганлар ва баҳоргача авайлаб сақлаганлар. Баҳорда унинг бир қисмидан нон (патир) ёпилиб, далага дон сепишга чиққан деҳқонларга улашилади, қолган қисмидан эса уруғлик дон сифатида фойдаланилади. Ғаллакорлар «Она буғдой»дан тайёрланган нонни еб: «Бу йил ҳам ҳосил мўл-кўл бўлсин, Она буғдой барака берсин. Бободеҳқон пири мададкор бўлсин!» дея дуо қиладилар ва қолган донни биринчи уруғлик сифатида сепадилар.

Шуниси қувончлики, узоқ тарихга эга ушбу маросимлар баъзи жойларда ҳануз давом этмоқда.

Дилшод КАМОЛОВ

ШАНБА — ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

Кеча мамлакатимизнинг барча олий ўқув юртларида ёшлар учун катта ҳаёт остонасидаги илк имтиҳон — тест синовлари бўлиб ўтди. Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида бу йил 9 та йўналиш бўйича 720 нафар талаба ўқишга қабул қилинади. Шунча жойга 2129 та ариза тушди. Таъкидлаш жоизки, олийгоҳда тест синовларини амалдаги тартиб-қоидаларга тўла риоя қилинган ҳолда ўтиши учун пухта тайёргарлик кўрилди. Синовлар ўтадиган бино ва аудиториялар етарли даражада жиҳозланиб, абитуриентлар учун доимий равишда консультациялар ташкил қилинди, тестга тайёрлаш курслари ишлаб турди. Бу саъй-ҳаракатлар туфайли тест синовларини юксак савияда ўтказишга эришилди.





Ибрат

МАЙДОНДАН ТАШҚАРИДАГИ УЧРАШУВ

Фарғона водийси футбол ишқибозлари йиғини нимани кўрсатди?

Наманган шаҳрининг Алишер Навоий номидаги маданият ва Истироҳат боғидаги, яна ҳам аниқроқ қилиб айтганда мовий сувли ёшлар кўли кираверишидаги «Бешчинор» чойхонасини ким ҳам билмайди дейсиз! Бир маҳаллар бу ерда Ўзбекистоннинг оқсоқол шоири Ғафур Ғулом қаҳ-қаҳалари янграган, машҳур хофизларимиздан Мулла Тўйчи Тошмуҳаммедов ва Маъмуржон Узоқовлар, ўзбек халқининг булбули, деб тан олинган Ҳалима Носирова ва Тамарахонимлар хонишлари қанот қоққан. Ўтган дам олиш кунида бу ерда Фарғона водийсининг уч вилояти Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятлари футбол ишқибозлари тўпландилар.

Фарғона ва Андижондан келган меҳмонларни вилоят футбол федерациясининг раҳбари, қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасининг бошлиғи Ҳакимжон Ҳошимов, Ўзбекистон халқ шоири Ҳабиб Саъдулла, ички ишлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Олимжон Долимов, спорт мутасаддилари, жамоатчилик вакиллари ва бошқалар дўстона кутиб олдилар.

Зеро, спорт тинчлик ва дўстлик элчиси, деганларидек, футбол дунёдаги мамлакатларни, қитъаларни яқинлаштиради, одамлар бир-бировларини яхшироқ билиб олишларига, дўст, биродар бўлиб кетишларига ёрдам беради.

Шу ўринда водийда спорт тез ривожланиб, тараққий этиб бораётганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Бугунги кунда ўз футбол майдони бўлмаган туман маркази у ёкда турсин, бирон хўжалик ёки корхонани топиш қийин. Мамлакат футболининг олий даврасида водий вилоятларининг 5 та командаси иштирок этаётганлигининг ўзи ҳам бу соҳага эътибор қанчалик ортиб бораётганлигини кўрсатиб турибди.

Кези келганда айтиш жоизки, бу борадаги беллашувлар ҳар доим ҳам юксак савияда, энг муҳими халқимиз маънавиятига хос тарзда, қолаверса, ўзимизнинг ўзбекона одоб-ахлоқ ва футбол қонун-қоидалари асосида ўтаяптими? Айрим ҳолларда эҳтиросларга берилиб кетмаяпмизми?

Бармоқ билан санарли бўлса-да, бари-бир ишқибозлар орасига кириб олган безориларнинг қуюшқондан ташқари хатти-ҳаракатларини жиловлаб қўйишнинг, футбол учрашувларининг чинакамига дам олиш, маданий ҳордиқ чиқариш соатларига, ўзбекона дийдорлашув дамларига айланишини таъминлаш қўлимиздан келаяптими?

Бир пиёла чой устида ташкил этилган учрашувда ана шу ва бошқа кўпларни ўйлантирган, ҳаяжонга солган, безовта қилган саволларга жавоб изланди. Наманган вилояти ички ишлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Олимжон Долимов, вилоят Футбол федерацияси раҳбари Ҳакимжон Ҳошимов, ҳар уччала вилоят футбол ишқибозларидан Валихон Акромов, Турғунбой Мирзаев, Машраб Алихонов, Мадамин Рахмонов, Шамсиддин Қодиров ва бошқалар бу борадаги ўз фикр-мулоҳазаларини куюнчаклик билан баён қилдилар.

Учрашувда водийда спортни янада ривожлантириш, футбол учрашувларини юксак савияда қизиқарли, ўзбекона ахлоқ-одоб талабларига биноан ўтказишга ва водий футбол ассоциацияси тузишга келишиб олинди.

Ж.ОБИДОВ

Турфа олам

МАРСНИНГ ТАБИИЙ ЙЎЛДОШИ

Фалакиёт фани яна бир янги ғоя ҳисобига бойийдиган кўринади. АҚШнинг Виржиния университети профессори Фред Сингер Марс сайёрасининг табиий йўлдошлари - Фобос ва Деймоснинг келиб чиқишига доир янги фикрни илгари сурмоқда.

Профессор Сингернинг фикрича, Фобос ва Деймос ўрнида яхлит бир ой сайёраси бўлган. Бироқ кўпчилик олимлар мутлақо бошқа фикрда. Уларга мазкур йўлдошлар аслида Марснинг гравитация майдонига тушиб қолган астероидлар эканлиги тўғрисидаги назария маъқул келмоқда.

Ф.Сингернинг фикрича, олимларнинг бу назарияси физика қонунларига мутлақо зид. Чунки мазкур назария Фобос ва Деймоснинг Марс атрофида деярли юмалоқ ва экваториал орбиталар бўйлаб ҳаракатланиши сабабини тушунтириб беришга қодир эмаскан.

Олимнинг таъкидлашича, мазкур ой Марс шаклланиши жараёнида ёки у пайдо бўлганидан сўнг вужудга келган. Кейинчалик Марс сайёрасининг гравитация кучлари таъсирида сайёра бўлакларга ажралган. Уларнинг каттароқ бўлган икки қисми юқорида, қолган майда бўлаклари эса орбитада қолган. Мазкур икки йирик бўлакни 1877 йилда америкалик олим Асеф Холл кашф этиб, уларни Фобос ва Деймос деб номлаган.

(ЎзА)

Масал ўрнида

ЭЗОП ВА ЙЎЛОВЧИ

Машҳур Эзоп ҳақида кўплаб ҳикоялар яратилган. Мана шулардан бири. Милет шаҳрига қараб кетаётган ўспирин Эзопни учратиб қолиб, ундан сўрабди:

– Жаноб, мен Милетга етиб боришим учун яна қанча юришим керак?

Эзоп эса калласини қимирлатганча дебди:

– Юравер!

Йигит ҳайрон бўлибди:

– Ахир сиз саволимга жавоб бермадингиз-ку! Айтингчи, яна қанча юришим керак?

Эзоп яна ўша жавобни берибди. Шунда йигит у «ақлини еб қўйибди» деб ўйлаб йўлида давом этибди. Бир дақиқадан сўнг Эзопнинг овози эшитилибди:

– Икки соатдан сўнг Милетга етиб борасан.

– Нега шуни эртароқ айтмадингиз? – сўрабди йигит.

– Қандай қилиб айтаман? Ахир мен олдин сени қандай тезликда юришингни кўришим керак эди-да! – дебди Эзоп.

КУН УЗАЙДИ...

Граф одамлари қандай ишлаётганлигини кўриш учун далага чиқибди. Улар эрта тонгдан то кун ботгунига қадар тиришиб ишлар эдилар. Аммо бу Графга жуда кам туюлибди.

У одамларни тўплаб шундай дебди:

– Кун қисқа, сизлар кўп нарсага улгура олмаяпсизлар. Агарда кунни узайтириш кимнинг қўлидан келса, ўша бир олтин тангага эга бўлади.

Шунда бир бола кунни узайтирадиган машина ясай олишини айтибди. Граф ундан мамнун бўлибди ва бола ишга киришибди. У бир ғилдирак олибди-да, унга тутқич ўрнатибди. Буни кўриб Граф:

– Ахир бу фақатгина ғилдирак ва тутқич холос-ку, – дебди.

– Кўринишидан шундай, лекин бу жуда зўр машина. Уни фақатгина сиз айлантиришингиз керак, жаноб Граф, акс ҳолда кун узаймайди, – жавоб қилибди бола.

– Мен тайёрман, – дея Граф ишга киришибди.

Ишчилар далага чиқишгач, Граф тутқични ушлабди-да қўёш ботгунига қадар ғилдиракни айлантираверибди. Ғилдирак жуда катта ва оғир бўлиб, айланиши қийин экан. Граф жуда толиқиб кетганидан кеч тушишини муштоқлик билан кута бошлабди. Кеч тушганида ҳалиги бола Графни олдига келиб:

– Ҳа, жаноб Граф, бугунги кун узайдими? – деб сўрабди.

Граф дебди:

– Бугунги кун бир ҳафтадек узоқ туюлди. Мен кунинг охири бўлмаса керак, деб ўйлаган эдим. Айт-чи, йигитча, буни мендан бошқа одам айлантира олмайдими?

– Албатта, айлантира олади, аммо кун узаймайдида! – дебди бола.

Граф бир нафас ўйга толиб, шундай қарорга келибди:

– Афсус! Келинглар, кун қандай бўлса шундайлигича қолаверсин!

Немисчадан Улуғбек ИМЯМИНОВ таржимаси

Тақдир шамоли

Машҳур «Робинзон Крузо» китобини ким ҳам ўқимаган дейсиз? Унинг саргузаштларини хаёлдан ўтказиб, ўзи ҳам шундай кечмишларни орзу қилмаган бола топилмаса керак. Айтишларича, Даниел Дефонинг ана шу машҳур романи босилиб чиққач, юзлаб Робинзонлар аниқланган. Бундан анча йиллар илгари ана шундай «Робинзон»лардан бирига ўзим ҳам дуч келганман.

«БОРСА КЕЛМАС» ОРОЛИДАГИ «РОБИНЗОН»

Адриатика денгизи бўйидаги Жаҳон ёшлар оромгоҳи жойлашган Дубровина қиёсига сўз топиш қийин. Аввало, у чинакамига яшил шаҳар. Қолаверса, бу ердаги субтропик иқлимига хос дов-дарахтлару ўсимлик дунёси номлари ва турларини санаб адоғига етолмайсиз. Пальма ва осмонўпар кедр, ҳамиша яшиллик тўнини ечмайдиган арчаю, атрофга беармон тарвақайлаган оқ қайину болта ўтмас дуб дейсизми, хуллас, ўнлаб, юзлаб наботот олами кўзингизни яшнатади. Рости, Ер сайёрасининг юмалоқлигига ҳам шу ерда ишонч ҳосил қилганман, десам кулмайсиз. Негаки, кечалари денгиз узра назар солсангиз замин билан коинот қўшилиб кетгандек туюлади. Гўёки, осмон узра жой олган беҳисоб юлдузларга жон кириб устингизга тўхтовсиз бостириб келаётгандек туюлади. Сабаби, мовий тўлқинлар бўйлаб сузиб келаётган кемаларнинг чироқлари ҳам коинотдаги юлдузларнинг бир йўлагига айланади. Хотирадан ўчмайдиган ана шундай мароқли кунларнинг бирида соҳилдан анча ичкаридаги «Борса, келмас» деб номланган оролга саёҳатга чорловчи эълон пайдо бўлиб қолди. Табиийки, азалдан бундай саргузаштларга ўч камина биринчилар қаторида ёзилдим. Эртасига нонуштадан сўнг элликка яқин йигит-қиз тушлик солинган халтачаларни қўлларимизга ушлаб кемадан жой олдик ва белгиланган манзил сари сузиб кетдик.

Салқин шамол юз-кўзларингизни сийпалайди. Атрофингизда чайкалар ғужғон ўйнайди. Ким ўзарга мусобақалашмоқчидек, шўх делфинлар кемангиз ортидан тинимсиз эргашади. Ярим соатларча сузганимиздан сўнг кафтдек бўлиб қорамтир доғ кўринди.

– «Борса келмас» ўша! – Гуруҳимизнинг ўнга яқин аъзосига ҳам кузатувчи, ҳам таржимон бўлиб биркитилган баланд бўйли, Дара имо қилиб деди.

– Номи нега бунчалик совуқдан-совуқ, одамни чўчитадиган? - Савол бермасдан тура олмадим.

Дара бепарвогина қўл силтади.

– Бир маҳаллар, ҳали моторли қайиқлар бўлмаган вақтда ри огоҳлантирди. Аксига олгандай, бу ерда дарахтлар анча сийрак бўлиб турли хил гуллар чамандек очилганди. Ҳеч кимнинг узоқлашгиси келмасди. Шерикларимиз ҳар қаёққа тарқалишди. Даранинг огоҳлантиришига қарамасдан, негадир овчи тарафга қараб юрдим. Буолис туюлганидан шунақа номлашган бўлишса керак-да.

«Борса келмас» бугунги кунда бутунлай ўзгариб кетганлигини дарров пайқадим. Етиб бормасимиздан анча бурун елкандай оппоқ бўлиб иморатлар кўринди.

– «Борса келмас» шаҳарга айланиб кетган шекилли?

– Жа унчалик эмас,- бош тебратди таржимон қиз. – Оролда қамоқхона жойлашган, яна нафас қисиш касалликлари шифохонаси бор. Уларда ишловчилар учун уй-жой қурилган...

Соҳил бўлиб борарканмиз, қушларнинг вижир-вижири, тўлқинларнинг шалоплаб қояларга урилиши қулоғингизни том битирадигандек. Икки-уч чақирим юрмасимиздан денгиз сувларига яқингина жойда турли хил тош бўлаклари ва қоя парчаларидан тикланган кулба эътиборимизни тортди.

– Ким қурган буни? - таржимонга қараб имо қилдим.

– Айтгандай, айтишни унутибман. –Дара жонланди. – Бу оролнинг ўз Робинзони бор. Уй ўшаники!

– Кўрсак бўладими? - қизиқиб сўрадим.

Дара бош тебратди.

– Телбароқ одам. Биров билан гаплашмайди. — Кейин кўрсаткич бармоғини лабларига босди. – Жим! Ўзи ҳақида гапиришаётганларини сезса, жаҳли чиқади. Ҳамма қўрқади ундан. 25-30 йил олдин оролда фақат уғина яшаган экан. Ҳатто, уруш йиллари унинг телбасифатлигини, ҳеч нарса билан иши йўқлигини билиб, немислар ҳам тегишмаган экан.

Эллик-олтмиш қадамларча юрганимиздан сўнг кутилмаганда Дара биқинимга турти.

– Ана ўзи! Қаттиқ тикилманг, жаҳли чиқади. Қувлаб қолмасин тағин!

Қордек оқарган соч-соқолларини қўшилиб кетган чол қўлига қармоқ қалтагини ушлаб олиб, ухлаётгандек эди. Гуруҳимизнинг ғала-ғовурига ҳам эътибор бермади.

– Юринглар, тўхтаманглар, у телба одам холос! - гуруҳ раҳбанинг яна бир боиси Дара орол «Робинзон»нинг миллатини турк, исмини Мутал деганди. Демак, гапини тушуниш мумкин-ку!

– Ассалому алайкум! - дедим, ҳеч нарсадан бехабардек.

Чамаси, овчи чўчиб тушгандек бўлди. Балким, пинакка кетгандир. Менга қаттиқ тикилиб қолди. Кўзлари ҳорғин, аммо қоп-қора. Турклиги рост шекилли.

– Во алайкум ассалом! - овози хириллаброқ жавоб қайтарди овчи. Яна бироз қараб тургач, сўради: – Қаердан бўлурсан, бола? Туркиядами?

– Йўқ, Ўзбекистонданман! Сайёҳман.

Овчи қўлидаги қармоқ дастаси ерга тушиб кетди.

– Не дерсан? Ўзбекистонинг бу Туркистон эмасми?

Тасдиқлаб бош қимирлатганлигимни кўриб карахт ҳолга тушган киши сингари нимадир, деб ғўлдиради, англай олмадим. Аниқ-тиниқ кўрдим, оқарган кипригидан дувиллаб ёш тўкилди ва қалин соқолларида шабнам сингари бир зум илиниб қолди. Нигоҳини мендан олиб, энди олис-олисларга қаратди. Кутилмаганда шундай соф ўзбекча қўшиқни эшитдим:

...Бухоронинг кўчасидан келин ўтар ёр-ёр

Абдумутал олисларга бадар кетар ёр-ёр...

Овчининг ёнгинасида нима дейишимни билмасдан анча вақт ҳайкалдек қотиб туриб қолдим. Аммо у мен томонга бошқа ўгирилмади, гапларимни эшитмади, саволларимга ҳам бошқа жавоб қайтармади. Менимча у ҳозир денгиз тўлқинлари узра парвоз қилаётган чайкаларни ҳам, соҳилга урилаётган тоғдек-тоғдек қорамтир тўлқинларни ҳам кўрмас, ҳамон кўзларидан оқаётган ёш оппоқ соқолларини тинимсиз ювар, алғов-далғов замонлар бўрони учириб келтирган ва беҳуда ўтган умрини ўйлаб йиғларди...

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ

КРОССВОРД



Белгиланган хонадан рақам атрофига соат мили йўналишида: 1.Ўз ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя этиш ҳақида расмий ёки ғайри расмий талаб қўйган шахс. 2.Бирор давлатнинг бошқа мамлакатни бўйсундириш мақсадидаги қуролли босқинчилиги. 3.Ватанимизнинг таниқли ҳуқуқшуноси, давлат ва жамоат арбоби. 4.Расмий кишиларнинг оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашуви. 5.Пулнинг қадрсизланиши. 6.Хорижда шаҳар маҳкамаси. 7.Қадимда давлат аҳамиятига молик бўлган катта йиғилиш. 8.Парламент аъзоси. 9.Кўнгилсиз ҳодиса, фожеа. 10.Ҳарбий унвон. 11.Маҳсулот сифатини тасдиқловчи ҳужжат. 12.Австрияда маҳаллий орган. 13.Ҳаққонийлик. 14.Ўтмишда давлат олдидаги хизматлари учун таниқли кишиларга бериладиган инъом. 15.Умумий авф. 16.Баъзи давлатларда конституцияга ўзгартириш киритиш учун чақириладиган қонун чиқарувчи орган. 17.Халқаро ҳуқуқда шартнома ҳужжати. 18.Амирлик саройидаги амалдорлик лавозими. 19.Ихтиёри ўзида бўлган инсон. 20.Қатъий норозилик ва шу ҳақидаги расмий баёнот.

Ёйлар бўйича ўнгга: 21.Жиноят иши юзасидан суд қарори. 22.Иш, хизмат. 23.Эҳтиёжманд кишига кўрсатиладиган шафқат. 24.Оила қувончи. 25.Финландияда қонун чиқарувчи давлат органи. 26.Муассаса ходимларининг доимий таркиби. 27.Жамиятдаги алоҳида бир киши. 28.Сабаб, асос. 29.Сифат жиҳатидан энг юқори даража. 30.Қадимда қўшин бошлиғи унвони.

Ёйлар бўйича чапга: 21.Умр. 22.Маъмурий ҳудуд. 23.Раҳбарлик лавозими. 24.Мунозара. 25.Урушувчи томонларнинг ўзаро келишуви. 26.Мусулмон руҳонийси, фақиҳ. 27.Ҳарбий қисмларни бошқарувчи орган. 28.Толеъ. 29.Қонун, адолат юзасидан иш кўриш. 30.Ўтмишда раҳбар ўринбосари лавозими.

МУАММОНОМА

Очқич сўзлар: 1.Асир олинган, банди - 5,9,5,2,9,7.
2. Инсоний фазилат, шарм - 8,1,3.
3. Наркотик модда тури - 4,1,10,6,10.

Энди очқич сўзлари жавоблари асосида шакл марказидаги рақамларни ҳарфлар билан алмаштириб муаммономани ҳал этинг. Улардан ёйлар бўйича ўқиш билан ҳикматли сўзлардан бирини билиб олишга муваффақ бўласиз.

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Кудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 21.10

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Тиражи: 9274 Буюртма Г— 717. 1 2 3 4 5 6